АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМИРОВА МАРҲАБО НОРМАХАМАТОВНА

ОРТИҚЧА ТАНА ВАЗНИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН НЕФРОПАТИЯЛАР, ТАРҚАЛГАНЛИГИ ВА ТАШХИСОТНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ЖИҲАТЛАРИ

14.00.05- Ички касалликлар

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро 2026

ЎУК: 616.61-008.6:616-056.52-036.22-07

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мамирова Марҳабо Нормахаматовна
Ортиқча тана вазни билан боғлиқ бўлган нефропатиялар, тарқалганлиги ва ташхисотнинг клиник-лаборатор жиҳатлари.....3

Мамирова Мархабо Нормахаматовна
Распространенность и клинико-лабораторные аспекты диагностики нефропатий, ассоциированных с избыточной массой тела, и их распространённость..... 23

Mamirova Marhabo Normaxamatovna
Nephropathies Associated with Overweight and Obesity: Prevalence and Clinical-Laboratory Aspects of Diagnosis.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....43

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМИРОВА МАРҲАБО НОРМАХАМАТОВНА

ОРТИҚЧА ТАНА ВАЗНИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН НЕФРОПАТИЯЛАР, ТАРҚАЛГАНЛИГИ ВА ТАШХИСОТНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ЖИҲАТЛАРИ

14.00.05- Ички касалликлар

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4480 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ахмедова Нилуфар Шариповна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Бадриддинова Матлуба Нажмидддиновна** тиббиёт фанлари доктори, доцент
	Абдуллаев Шерзод Сайдуллаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент.
Етакчи ташкилот:	**Витебск давлат тиббиёт университети (Беларусь)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «__» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси 23 уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2026 йил «____» _____куни тарқатилди.
(2026 йил «___» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Каримова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнгги ўн йилликларда ортиқча тана вазни ва семизлик бутун дунёда соғлиқни сақлаш тизими олдида турган энг долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бирига айланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ортиқча тана вазнига эга аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда ва бу ҳолат нафақат юрак-қон томир ҳамда эндокрин касалликлари, балки сурункали буйрак касаллиги (СБК) ривожланишининг ҳам мустақил хавф омили сифатида эътироф этилмоқда. Айниқса, висцерал семизликнинг кенг тарқалиши метаболик бузилишлар, сурункали яллиғланиш, эндотелиал дисфункция ва оксидатив стресс орқали буйрак паренхимасида морфофункционал ўзгаришларни келтириб чиқариши исботланган.Охирги ярим асрда семизлик ва ортиқча тана вазни мавжуд бўлган аҳоли сони кескин ошиб бормоқда.

Жаҳонда ортиқча тана вазни ва семизликнинг тарқалиши сўнгги ўн йилликларда барқарор ўсиш тенденциясига эга. Катта ёшли аҳоли ўртасида ёш бўйича стандартлаштирилган семизлик тарқалиши 1975–2014 йилларда эркакларда 3,2% дан 10,8% гача, аёлларда эса 6,4% дан 14,9% гача ошган. Шу билан бирга, 1975–2016 йилларда катта ёшли аҳоли орасида ортиқча тана вазнининг глобал тарқалиши эркакларда 20,0% дан 38,5% гача, аёлларда 22,7% дан 39,2% гача ортган. Ушбу эпидемиологик тенденциялар ортиқча тана вазни ва семизлик билан боғлиқ метаболик, юрак-қон томир ва буйрак асоратларини эрта аниқлаш ҳамда уларнинг прогрессиясини олдини олиш масаласининг долзарблигини белгилайди[1]. Семизлик ва ортиқча тана вазни асримизнинг глобал эпидемиясига айланиб бормоқда ва 2030 йилга бориб унинг учраш даражаси 30% гача ошиши тахмин қилинмоқда[2]. Ортиқча тана вазни билан боғлиқ бўлган сурункали буйрак касаллиги асосида бир неча патологик жараёнлар ётади. Буйрак проксимал каналчалари, коптокчаларда йиғилувчи буйрак ичи ёғ қатлами, шунингдек буйрак капсуласи атрофида йиғилган ёғ тўқимаси бевосита орган фаолияти бузилишига олиб келади, яъни гиперфильтрация, альбуминурия, коптокча фильтрация тезлиги бузилиши билан намоён бўладиган гемодинамик ўзгаришлар шу жумлага киради.

Республикамизда ортиқча тана вазни ва семизликнинг кенг тарқалишига қарамасдан, улар билан боғлиқ нефропатияларнинг ҳақиқий тарқалиши, клиник кечиши, лаборатор хусусиятлари ҳамда эрта ташхис мезонлари етарлича ўрганилмаган. Айниқса, семизлик даражаси, висцерал ёғ тўқимаси ҳолати ва адипоцитлар дисфункцияси билан буйрак шикастланишининг замонавий биомаркерлари ўртасидаги муносабатларни комплекс баҳоловчи тадқиқотлар деярли мавжуд эмас. Бу эса юқори хавф гуруҳига кирувчи беморларни эрта аниқлаш ва профилактик тадбирларни ўз вақтида бошлаш имкониятларини

---

[1] Kim, Kyoung-Bae, and Yun-A Shin. “Males with Obesity and Overweight.” Journal of obesity & metabolic syndrome vol. 29,1 (2020): 18-25. doi:10.7570/jomes20008

[2] Yim, Hyun E. “Obesity and Chronic Kidney Disease: Prevalence, Mechanism, and Management.” Clinical and Experimental Pediatrics, vol. 64, no. 10, 2021, pp. 511–518.

чеклайди. Маҳаллий амалиётда ортиқча тана вазни ва семизлик билан боғлиқ нефропатия хавфини эрта стратификация қилишга қаратилган ягона клиник-лаборатор алгоритм етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Ортиқча тана вазни ва семизликнинг аҳоли орасида кўп учраши уларда СБК ривожланиш эҳтимоллигини оширади. Бу эса ушбу ҳолатларди аниқ ишлаб чиқилган тавсия ва чора-тадбирларни талаб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони , 2021 йил 25 майдаги ПҚ- 5124–сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон “Бирламчи тиббий–санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрганилган илмий адабиётларда сўнгги йилларда семизлик билан боғлиқ бўлган аҳоли орасида буйрак касалликлари учраш частотаси 10 мартага ошганлиги кўрсатиб ўтилмоқда (Sharma, I., Liao, Y., Zheng, X., & Kanwar, Y. S. 2021). Семизликда буйрак шикастланишига олиб келувчи патогенетик омиллардан бири бу коптокчалар гиперфильтрацияси ва гломерулomегалиядир (Guebre-Egziabher F., Alix P.M., Koppe L., Pelletier C.C., Kalbacher E., Fouque D., 2013).

Тана вазни индекси (ТВИ) семизликни кўрсатувчи маркерлардан асосийси саналсада, бугунда бу кўрсатгич органларда жойлашган ёғ даражаси ва гиперлипидемияни баҳолаш учун етарли эмаслиги кўрсатилмоқда. Ортиқча тана вазнида буйрак шикастланишига олиб келувчи асосий патогенетик омиллар сифатида ёғ кислоталари ва холестерин метоболизмининг бузилиши, оралиқ моддаларнинг буйрак тўқимасида йиғилиши, маҳаллий яллиғланиш оқибатидаги тубуло-интерстициал шикастланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган (Marich-Bilkan S, 2013).

2016 йилдаги статистик маълумотларга кўра ер юзида яшовчи катта ёшдаги аҳолининг 1,9 млрди семизликдан азият чекади, уларнинг 39% да ортиқча тана вазни бор. Турли миллатларда аёллар орасида 15%, эркаклар орасида 13% гача ориқча тана вазнига эга бўлганлар учрайди (Каммингс Д.Э., Шварц М.В., 2015). Афсуски семизлик эпидемияси унинг оқибати ўлароқ бошқа баъзи тизимли касалликларнинг ҳам эпидемиологик характерини кучайтирмоқда, жумладан сурункали буйрак касалликлари. Шунга қарамасдан семизлик ва ортиқча тана вазни мавжуд бўлган беморларда нефропатияларни аниқлаш ва ривожланишининг олдини олишга қаратилган диагностик, профилактик ва даво чора- тадбирлари, тавсияномалар ишлаб чиқилмаган.

Республикада 2020 йил миллий нефрология регистри маълумотлари асосида сурункали буйрак касаллиги билан касалланган беморлар сони, уларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, буйрак ўрнини босувчи даволаш усулларига эҳтиёжи ҳамда гемодиализ хизмати ҳолати таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотлар мамлакатимизда сурункали буйрак касалликлари муҳим тиббий-ижтимоий муаммо эканлигини кўрсатган (Расулев Ё.Э. ва ҳаммуаллифлар, 2023). Семизлик турли орган ва тўқималар фаолиятига таъсир қилади, айниқса эндокрин, кардиологик ва нефрологик клиник белгилар яққол намоён бўлади ва қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари ва сурункали буйрак касалликлари хавфини оширади (Ахмедова Н.Ш., Абдуллаев Р.Б., 2018).

Сўнгги йилларда Ўзбекистон олимлари диабетик нефропатия, артериал гипертензия билан боғлиқ буйрак шикастланиши, сурункали буйрак касаллигида цистатин С, микроальбуминурия ва бошқа лаборатор маркерларнинг диагностик аҳамиятини баҳолашга қаратилган тадқиқотларни ҳам амалга оширмоқдалар (Мухамедова Н.Х., 2024; Холиков А.Ю. ва ҳаммуаллифлар, 2025).

Диссертация мавзусининг у бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий – тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2023 PhD.110) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш, ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ортиқча тана вазни ва семизлик билан оғриган беморларда сурункали буйрак касаллиги учраш частотаси, клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш, эрта ташхисот биомаркерларини баҳолаш асосида нефропатияни олдини олишнинг клиник-лаборатор алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

ортиқча тана вазни ва семизлик мавжуд бўлганларда сурункали буйрак касаллигининг тарқалганлигини, буйрак функцияси ҳолатини ва альбуминурия хусусиятларини баҳолаш;

семизлик билан кечувчи нефропатиялар ривожланишида антропометрик (тана вазни индекси, бел айланаси, висцерал адипозлик индекси) ҳамда клиник хавф омилларининг аҳамиятини аниқлаш;

ортиқча тана вазни ва семизлик билан оғриган беморларда буйрак функциясининг анъанавий (креатинин, буйрак коптокчалари фильтрация тезлиги) ва замонавий (цистатин С, альбумин/креатинин нисбати, KIM-1) лаборатор маркерларини қиёсий баҳолаш;

антропометрик, метаболик (адипонектин, сийдик кислотаси) ва нефрологик маркерлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни корреляцион ҳамда кўп омилли регрессион таҳлил асосида баҳолаш;

ортиқча тана вазни ва семизлик мавжуд беморларда нефропатияни эрта аниқлаш, хавф даражасини стратификация қилиш ва профилактика чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган клиник-лаборатор алгоритм ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. 2023–2025 йилларда Республика шошилинч

тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Навоий филиалига амбулатор мурожаат қилган ва скрининг текширувидан ўтказилган 620 нафар катта ёшли шахс олинди. Скрининг натижасида уларнинг 140 нафарида сурункали буйрак касаллигининг G1–G3a босқичлари тасдиқланиб, мазкур беморлар тадқиқотнинг чуқурлаштирилган клиник-лаборатор босқичига киритилди. Қўшимча равишда референс лаборатор кўрсаткичларни баҳолаш мақсадида 30 нафар амалий соғлом шахс назорат гуруҳини ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ортиқча тана вазни ва семизлик билан оғриган беморларда буйрак функциясининг клиник, лаборатор ва биокимёвий кўрсаткичлари, антропометрик ва метаболик омиллар (тана вазни индекси, висцерал семизлик индекси), веноз қон зардоби, плазмаси ва бир марталик сийдик олинган.

Тадқиқотнинг текшириш усуллари. Диссертация ишида анамнестик, клиник, антропометрик текширувлар, қон клиник ва биокимёвий таҳлили, антропометрик ва метаболик омиллар (тана вазни индекси, висцерал семизлик индекси, адипонектин, сийдик кислотаси), шунингдек буйрак шикастланишининг эрта биомаркерлари (цистатин С, альбумин/креатинин нисбати, KIM-1) статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ортиқча тана вазни ва семизлик мавжуд беморларда буйракнинг гломеруляр ва тубулоинтерстициал шикастланиши комплекс баҳоланиб, тана вазни индекси ортиши билан нефропатиянинг намоён бўлишидан олдин субклиник ўзгаришлар шаклланиши асосланган;

тана вазни индекси, висцерал семизлик индекси ва адипонектин кўрсаткичларининг буйрак функцияси билан ўзаро боғлиқлиги асосланиб, висцерал семизликнинг кучайиши буйрак коптокчалари фильтрация тезлигининг пасайиши, альбуминурия ҳамда KIM-1 даражасининг ошиши билан, адипонектин миқдорининг камайиши эса буйрак функциясининг ёмонлашиши билан боғлиқ эканлиги исботланган;

кўп омилли регрессион таҳлил натижаларига кўра KIM-1, висцерал семизлик индекси, адипонектин, сийдик кислотаси ва тана вазни индекси семизлик билан боғлиқ нефропатия ривожланишининг мустақил предикторлари сифатида баҳоланиб, KIM-1 ва висцерал семизлик индекси юқори диагностик аҳамиятга эга кўрсаткичлар эканлиги асосланган;

ортиқча тана вазни билан боғлиқ нефропатияни эрта аниқлаш учун семизликнинг антропометрик, метаболик ва нефрологик кўрсаткичларини ягона диагностик тизимга бирлаштирилган нефропатия ривожланиш хавфини комплекс баҳолаш имконини берувчи OIN-index интеграл диагностик индекси ва профилактика алгоритми ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари шундан иборатки, ортиқча тана вазни ва семизлик билан оғриган беморларда сурункали буйрак касаллигини эрта аниқлаш мақсадида висцерал семизлик индекси (ВСИ), адипонектин, сийдик кислотаси, KIM-1 ва цистатин С кўрсаткичларини комплекс баҳолашга асосланган OIN-index интеграл диагностик индекси ишлаб чиқилган. Семизлик билан боғлиқ нефропатия ривожланиш хавфини баҳолаш ва беморларни хавф даражаси бўйича

стратификация қилиш имконини берувчи клиник-лаборатор мезонлар тизими таклиф этилди. Ушбу ёндашув юқори хавф гуруҳига мансуб беморларни эрта аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий ёндашув ва услубларни қўллаш, назарий маълумотлар хамда олинган натижаларнинг асослилиги, олиб борилган текширувларнинг услубий аниқлиги, маълумотларни замонавий статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш, шунингдек, етарли миқдордаги беморлар текшируви, тадқиқот натижаларини халқаро маълумотлар билан таққослаш ва эришилган натижаларни таҳлил қилиш, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти шундаки, семизлик билан боғлиқ нефропатиянинг патогенезини кенгайтириб, буйрак шикастланишининг гломеруляр ва тубулоинтерстициал механизмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни замонавий клиник-лаборатор маркерлар асосида асослаш имконини берди. ВСИ, адипонектин, сийдик кислотаси, цистатин С ва KIM-1 кўрсаткичларининг буйрак коптокчалари фильтрация тезлиги ҳамда альбуминурия билан ўзаро муносабатлари аниқланиб, уларнинг семизлик билан боғлиқ нефропатия ривожланишидаги патогенетик аҳамияти кўрсатилган. Тадқиқотда ишлаб чиқилган OIN-index интеграл диагностик индекси семизликнинг антропометрик, метаболик ва нефрологик маркерларини ягона баҳолаш тизимига бирлаштирди. Бу семизлик билан боғлиқ нефропатияни эрта босқичларда комплекс баҳолашга янги илмий ёндашувни шакллантирди.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки ортиқча тана вазни бўлган беморларда сурункали буйрак касаллигини эрта аниқлаш учун клиник-лаборатор ёндашув такомиллаштирилди. Цистатин С, KIM-1, альбумин/креатинин нисбати, висцерал адипозлик индекси, адипонектин ва сийдик кислотасини комплекс баҳолаш нефропатияни клиник белгилари намоён бўлишидан олдин аниқлаш имконини бериши асосланган. Ишлаб чиқилган OIN-index ҳамда унинг асосида таклиф этилган клиник алгоритм семизлик билан боғлиқ нефропатия ривожланиш хавфини стратификация қилиш, юқори хавф гуруҳига мансуб беморларни эрта саралаш, нефропротектив чора-тадбирларни ўз вақтида бошлаш ва сурункали буйрак касаллигининг прогрессиясини секинлаштиришда амалиёт учун қўлланилиши мумкин. Тадқиқот натижаларидан нефрология, эндокринология, терапия ва оилавий тиббиёт амалиётида ҳамда семизлик билан оғриган беморларни диспансер кузатувида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини тадбиқ этиш. Ортиқча тана вазни мавжуд беморларда сурункали буйрак касаллиги ривожланишини башоратлашнинг клиник-лаборатор жихатларини баҳолаш натижасида олинган илмий хулосалар асосида:

“Ортиқча тана вазни мавжуд беморларда сурункали буйрак касаллиги ривожланишини патогенетик ташхислаш маркерлари” деб номланган услубий тавсияномаси тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг кенгашининг 2025 йил 30 январдаги 25-м/024 сон маълумотномаси). Мазкур услубий

тавсиянома ортиқча тана вазни мавжуд беморларда сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислаш мақсадида лаборатор усуллар ёрдамида эрта баҳолаш имконини яратган.

Ортиқча тана вазни мавжуд беморларда сурункали буйрак касаллиги ривожланишини ва эрта ташхислашнинг такомиллаштириш тамойиллари соғлиқни сақлаш амалиёти, жумладан, Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси (06.03.2025 й; № 659-2-208-ТВ/2025); Навоий шаҳар ҳокимлиги тиббиёт бирлашмаси буйича буйрук (3.03.2025; № 350-5-79-DOP/2025) клиник амалиётига тадбиқ этилди. Унинг натижасида беморларда касаллик ривожланишини башоратловчи лаборатор маркерлар асосида нефропатияларни эрта аниқлаш, даволаш-профилактика муассасалари шароитида беморлар орасида сурункали буйрак касаллиги ривожланишини олдини олишнинг поғонали мезонлар тизими ишлаб чиқилган ва уларнинг ҳаёт сифати ижобий томонга ўзгариши кузатилган. Илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 15 августдаги 23-сон хулосаси олинган.

Биринчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ортиқча тана вазни ва семизлик билан оғриган беморларда буйрак шикастланишининг гломеруляр ва тубулоинтерстициал компонентларини комплекс баҳолаш асосида буйрак шикастланишининг субклиник кечиши эрта аниқланиб, мақсадли лаборатор маркерлардан фойдаланиш орқали нефропатияни клиник белгилари намоён бўлишидан олдин аниқлаш имкони яратилган. Бу эса хавф гуруҳидаги беморларни эрта ажратиш, ўз вақтида профилактик чора-тадбирларни белгилаш ва семизлик билан боғлиқ нефропатиянинг прогрессиясини олдини олишга хизмат қилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: нефропатиянинг субклиник босқичида буйрак шикастланишини эрта аниқлаш орқали қимматбаҳо инструментал текширувлар ва стационар даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтириш, касалликнинг оғир босқичларига ўтишини олдини олиш ҳамда даволаш харажатларини оптималлаштириш имкони яратилган. Дастлабки иқтисодий моделга кўра, қўшимча ташхисот харажатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир бемор учун бир йил давомида 512 000 сўм миқдорида иқтисодий самара олиниши мумкин. Хулоса. Семизлик билан боғлиқ нефропатияни эрта аниқлаш беморларнинг ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятини сақлаш, буйрак етишмовчилигининг оғир босқичларига ўтишни кечиктириш ҳамда соғлиқни сақлаш тизими харажатларини камайтириш имконини беради.

Иккинчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тана вазни индекси, висцерал семизлик индекси ва адипонектин кўрсаткичларининг буйрак функцияси ҳамда нефропатиянинг эрта лаборатор маркерлари билан ўзаро боғлиқлиги аниқланиб, висцерал семизликнинг кучайиши ҳКФТнинг пасайиши, альбуминурия ва KIM-1 даражасининг ошиши, адипонектин миқдорининг камайиши эса буйрак функциясининг ёмонлашиши билан боғлиқлиги асосланган. Бу натижалар семизлик билан боғлиқ буйрак шикастланишини эрта аниқлаш ва хавф гуруҳини шакллантириш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

VAI ва адипонектинни буйрак функциясини баҳоловчи анъанавий кўрсаткичлар билан биргаликда қўллаш орқали нефропатиянинг эрта босқичларида хавфни баҳолаш, асоратларнинг олдини олиш ва кейинги босқичларда талаб этиладиган қимматбаҳо даволаш усулларига эҳтиёжни камайтириш имкони яратилган. Дастлабки ҳисоб-китобда бир бемор учун бир йил давомида 170 000 сўм миқдорида эҳтимолий иқтисодий самара олиниши мумкинлиги баҳоланган. Хулоса. VAI ва адипонектин кўрсаткичларини буйракнинг функционал ва лаборатор маркерлари билан комплекс баҳолаш семизлик билан боғлиқ нефропатияни эрта аниқлаш ва профилактик чораларни ўз вақтида белгилашнинг иқтисодий жиҳатдан мақбул усули ҳисобланади.

Учинчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: кўп омилли регрессион таҳлил асосида KIM-1, висцерал семизлик индекси, адипонектин, сийдик кислотаси ва тана вазни индекси семизлик билан боғлиқ нефропатия ривожланишининг мустақил предикторлари сифатида аниқланиб, KIM-1 ва VAIнинг юқори диагностик аҳамияти асосланган. Ушбу ёндашув хавфи юқори бўлган беморларни эрта аниқлаш, уларни диспансер кузатувига олиш ва нефропатия ривожланишининг олдини олишга қаратилган индивидуал профилактик чораларни белгилаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: нефропатия ривожланишининг мустақил предикторларини эрта аниқлаш орқали юқори хавфли беморларда текширув ва профилактик тадбирларни мақсадли ташкил этиш, асоратлар ривожланиши ва стационар даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтириш имкони яратилган. Стационар даволаш ҳамда қўшимча текширувларга эҳтиёжнинг камайиши шарти билан бир бемор учун бир йил давомида 544 000 сўм миқдорида эҳтимолий иқтисодий самара ҳисобланди. Хулоса. KIM-1 ва VAIнинг юқори диагностик аҳамиятидан фойдаланиш семизлик билан боғлиқ нефропатия хавфи юқори бўлган беморларни эрта аниқлаш, уларни мақсадли кузатиш ва қиммат даволаш босқичларига ўтиш эҳтимолини камайтириш имконини беради.

Тўртинчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: семизликнинг антропометрик, метаболик ва нефрологик кўрсаткичларини ягона диагностик тизимга бирлаштирувчи, нефропатия ривожланиш хавфини комплекс баҳолаш имконини берувчи OIN-index интеграл диагностик индекси ва профилактика алгоритми ишлаб чиқилган. Мазкур ёндашув шифокор учун қарор қабул қилишни соддалаштириш, хавф даражасига кўра беморларни гуруҳлаш ва профилактик ҳамда диагностик чораларни индивидуаллаштириш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: OIN-index асосида беморларни хавф даражаси бўйича саралаш текширув ва даволаш ҳажмини индивидуаллаштириш, паст хавфли беморларда ортиқча текширувлардан воз кечиш ва юқори хавфли беморларда асоратларнинг олдини олиш орқали тиббий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради. Дастлабки иқтисодий моделда KIM-1, адипонектин, цистатин С ва бошқа лаборатор текширувлар харажатлари ҳисобга олинганда, тиббий хизматларга эҳтиёжнинг камайиши шарти билан бир бемор учун бир йил давомида ҳар бир бемор учун 866 000 сўм миқдорида иқтисодий

самара ҳисобланди. Хулоса. OIN-index интеграл диагностик индекси ва профилактика алгоритмини амалиётга жорий этиш семизлик билан боғлиқ нефропатияни эрта аниқлаш, юқори хавфли беморларни мақсадли кузатиш, касаллик прогрессиясини олдини олиш ва соғлиқни сақлаш тизимида харажат-самарадорлик нисбатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 3 та, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ҳамда 3 та тезис, улардан 1 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Семизлик билан боғлиқ нефропатиялар: замонавий қарашлар ва ташхис имкониятлари»** деб номланган биринчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб уларда адабиётлар таҳлили келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Унда ортиқча тана вазни ва семизлик мавжуд беморларда СБК тарқалиши, эрта ташхисоти, даво ва профилактика муаммолари бўйича замонавий манбаалар таҳлили келтирилган. Бу бобда адабиётлардаги маълумотлар умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **«Материал ва усуллар»** деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот ҳамда унда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқот икки босқичли клиник-эпидемиологик ва қиёсий таҳлилий дизайнда амалга оширилди. Биринчи босқичда 2023–2025 йилларда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Навоий филиалига амбулатор мурожаат қилган 620 нафар шахс скрининг текширувидан ўтказилди. Скрининг жараёнида антропометрик кўрсаткичлар, артериал қон босими, қон зардобида креатинин миқдори, CKD-EPI формуласи бўйича буйрак коптокчалари фильтрацияси тезлиги, умумий сийдик таҳлили ва альбуминурия баҳоланди.

Натижада 140 нафар шахсда СБКнинг G1–G3a босқичлари аниқланиб, скрининг қилинган контингентда СБК тарқалганлиги 22,6% ни ташкил этди.

Иккинчи босқичда СБК тасдиқланган 140 нафар бемор тана вазни индексига кўра уч гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ (қиёсий) — нормал тана вазнига эга беморлар (n=40; ТВИ 18,5–24,9 кг/м²), 2-гуруҳ — (биринчи асосий гуруҳ) ортиқча тана вазнига эга беморлар (n=64; ТВИ 25,0–29,9 кг/м²), 3-гуруҳ (иккинчи асосий гуруҳ) — семизлик мавжуд беморлар (n=36; ТВИ ≥30,0 кг/м²). Қўшимча равишда 30 нафар амалий соғлом шахс назорат гуруҳини ташкил этди.

2 та асосий гуруҳ танланишига сабаби шундаки, семизликкача бўлган, яъни ортиқча вазн ҳолатининг ўзи буйрак шикастланишининг клиник-патогенетик хусусиятларига қандай таъсир қилишини ўрганиш мақсад қилинган.

Тадқиқотни амалга ошириш ва ишончли натижалар олишда учун клиник тадқиқотларнинг ахлоқий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда иш режалаштирилди, маълум миқдорда илмий изланишлар бажарилди, тадқиқот объекти ва предмети танланди ва кузатувлар сони статистик таҳлил учун етарли бўлди. Шу муносабат билан, тадқиқот дизайни ушбу далилларни ҳисобга олган ҳолда танланди.

Тадқиқотга жалб қилинган беморларда клиник (анамнестик сўраб суриштириш, ҚБ, пульсни ўлчаш, юрак ва ўпка аускультацияси, перкуссияси, ташхисга хос клиник симптом ва синдромларни аниқлаш), лаборатор ва инструментал текширишлардан ўтказилиб, стандарт асосида ташхис қўйилди.

Рақам кўрсаткичларини статистик таҳлили: тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда SPSS 17.0 (SPSS Inc., Chicogo, IL) пакетли компьютер дастури ишлатилди. Жадвалларда келтирилган барча кўрсаткичларнинг ўртача стандарт ва арифметик оғишлари (M±m формула асосида) ҳисобланилди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончлилиги Стюдент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Гуруҳларда сифат белгиларини учраш сонини фарқлаш χ2 мезонлари орқали амалга оширилди. Олиб борилган даво муолажаларини самарадорлигини баҳолашда 95% ли ишонч интервали орқали имкониятлар нисбати хамда нисбий хавф аниқланди. Корреляцион тахлил Спирман корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончлилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Семизлик ва ортиқча тана вазни билан кечувчи нефропатияларнинг тарқалганлиги ва клиник-лаборатор хусусиятлари”** деб номланиб, ушбу бобда келтирилган маълумотларасосида тадқиқот натижалари сурункали буйрак касаллиги фонида тана вазнининг ортиб бориши (айниқса абдоминал ва висцерал семизлик) артериал гипертензия, дислипидемия ва инсулинга резистентлик каби метаболик бузилишлар каскадини келтириб чиқаришини кўрсатган. Тана вазни индексининг ошиши буйракнинг фильтрацион ва тубуляр функциялари изчил ёмонлашуви билан кечиб, сийдикда альбумин/креатинин нисбати (АКН) ва KIM-1 маркерларининг мутаносиб равишда геометрик прогрессияда ортишига олиб келади.

1-жадвалда, **С**БК G1, G2 ва G3a босқичларининг тақсимланиши барча гуруҳларда деярли бир хил бўлиб, статистик аҳамиятли фарқ аниқланмаган (p>0,05)**.** Барча гуруҳларда G2 босқичи нисбатан кўпроқ, G1 ва G3a босқичлари эса ўхшаш даражада учраган. Бу ҳолат тадқиқот гуруҳларининг СБК оғирлиги бўйича

таққосланувчан эканлигини кўрсатади ва кейинги аниқланган лаборатор ҳамда метаболик фарқларни асосан тана вазни ва висцерал семизлик даражаси билан боғлиқ ҳолда баҳолаш учун методологик асос яратади**.**

Семизлик шароитида анъанавий креатинин кўрсаткичи буйрак функциясини сунъий равишда юқори баҳолаб, буйрак етишмовчилиги даражасини ниқоблаши, цистатин С эса ушбу пасайишни эрта ва аниқ акс эттириши исботланган.

1-жадвал.

Тана вазни даражасига кўра тадқиқот гуруҳларида СБК босқичларининг тақсимланиши, %

СБК босқичи	1-гуруҳ, нормал ТВИ (n=40)	2-гуруҳ, ортиқча вазн (n=64)	3-гуруҳ, семизлик (n=36)	p_1	p_2	p_3
G1	27,5±7,1	25,0±5,4	25,0±7,2	0,777	0,805	1,000
G2	42,5±7,8	43,8±6,2	41,7±8,2	0,900	0,941	0,840
G3a	30,0±7,2	31,2±5,8	33,3±7,9	0,893	0,755	0,830

Изоҳ: p_1 — 1- ва 2-гуруҳлар ўртасидаги фарқнинг статистик аҳамиятлилиги; p_2 — 1- ва 3-гуруҳлар ўртасида; p_3 — 2- ва 3-гуруҳлар ўртасида.

Ўтказилган тизимли корреляцион таҳлил антропометрик кўрсаткичлар, висцерал семизлик индекси (VAI) ва ҳимоя хусусиятига эга адипонектин миқдорининг камайиши буйрак шикастланишининг эрта маркерлари (цистатин С, АКН, КІМ-1) билан тўғридан-тўғри ва кучли боғлиқликка эга эканлигини тасдиқлади. Бунда энг юқори корреляция висцерал семизлик индекси (VAI) ва бел айланасида қайд этилиб, ушбу кўрсаткичлар умумий семизликка нисбатан буйракнинг аралаш гломеруло-тубуляр шикастланиши ривожланишида юқори патогенетик ва прогностик аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Барча беморларда антропометрик ва метаболик кўрсаткичларнинг гуруҳлараро солиштирма таҳлили ўтказилди (2-жадвал.)

2-жадвал.

Тадқиқот гуруҳларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили (M±m)

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=30)	1-гуруҳ (n=40)	2-гуруҳ (n=64)	3-гуруҳ (n=36)
ТВИ, кг/м²	22,1±1,4	23,4±1,6*	27,6±1,5*#	32,8±2,4*#^
Бел айланаси, см	76,8±5,2	85,3±6,1*	98,4±5,8*#	108,2±7,3*#^
Бел/бўкса нисбати	0,82±0,04	0,88±0,05*	0,95±0,06**#	1,02±0,07*#^
Висцерал адипозлик индекси (VAI)	1,08±0,31	1,52±0,45*	3,48±0,81*#	5,95±1,12*#^

*Изоҳ: * — назорат гуруҳига нисбатан, # — 1-гуруҳга нисбатан, ^ — 3-гуруҳга нисбатан фарқнинг статистик аҳамиятлилиги; барча ҳолатларда p<0,001***.**

Жадвал маълумотлари тана вазни ортиши билан антропометрик ва висцерал адипозлик кўрсаткичларининг изчил ошишини кўрсатди. Назорат гуруҳига

нисбатан ТВИ 1-гуруҳда 5,9%, 3-гуруҳда 24,9% ва 2-гуруҳда 48,4% га, бел айланаси эса мос равишда 11,1%, 28,1% ва 40,9% га юқори бўлди. Бел/бўкса нисбати ҳам тана вазни ортишига мос равишда 0,82±0,04 дан 1,02±0,07 гача кўтарилди. Энг яққол фарқ висцерал адипозлик индексида кузатилиб, у назорат гуруҳида 1,08±0,31 бўлган ҳолда 1-, 3- ва 2-гуруҳларда мос равишда 1,52±0,45; 3,48±0,81 ва 5,95±1,12 ни ташкил этди. Гуруҳлар ўртасидаги барча фарқлар статистик жиҳатдан ишончли бўлиб, $p<0,001$ ни ташкил қилди. Олинган натижалар тана вазни ортиши, айниқса висцерал ёғ тўқимаси кўпайиши билан антропометрик хавф профилининг босқичма-босқич оғирлашиб боришини кўрсатади.

Антропометрик ўзгаришлар замирида ётган чуқур метаболик бузилишларни аниқлаш мақсадида углеводлар ва пуринлар алмашинуви, шунингдек, адипокинлар статусининг асосий кўрсаткичлари ўрганилди (3-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлили ортиқча вазн ва семизлик СБК билан хасталанган беморларда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган мураккаб метаболик бузилишлар каскадини келтириб чиқаришини кўрсатди.

Таҳлиллар углеводлар алмашинувининг жиддий бузилишларини намоён қилди. Оч қорнига аниқланган глюкоза миқдорининг гуруҳлар бўйича ортиб бориши ($p<0.001$) билан бир қаторда, инсулин миқдорининг кескин кўтарилиши кузатилди.

3-жадвал.

Тадқиқот гуруҳларида асосий метаболик кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили (M±m)

Кўрсаткич	Назорат (n=30)	1-гуруҳ (n=40)	2-гуруҳ (n=64)	3-гуруҳ (n=36)	p_1	p_2	p_3
Глюкоза, ммоль/л	4,6±0,3	5,1±0,4	5,8±0,6	6,4±0,8	0,321	0,077	0,041
Инсулин, мкМЕ/мл	6,7±1,5	8,2±2,1	15,4±3,5	24,9±5,2	0,563	0,025	0,002
HOMA-IR индекси	1,37±0,34	1,85±0,50	4,11±1,10	7,32±1,90	0,430	0,020	0,004
Адипонектин, мкг/мл	13,1±2,6	10,6±2,5	7,2±1,9	4,5±1,4	0,491	0,072	0,006
Сийдик кислотаси, мкмоль/л	271,6±37,8	312,5±45,1	394,8±58,3	481,4±65,7	0,489	0,080	0,008

Изоҳ: p_1 — назорат ва 1-гуруҳ ўртасидаги фарқ; p_2 — назорат ва 2-гуруҳ ўртасидаги фарқ; p_3 — назорат ва 3-гуруҳ ўртасидаги фарқ.

Жадвал таҳлилида айнан ортиқча тана вазни ва семизлик гуруҳлари ўртасидаги фарқ муҳим аҳамиятга эга. Ортиқча тана вазни мавжуд беморларда инсулин, HOMA-IR ва сийдик кислотаси кўрсаткичлари нормал ТВИли гуруҳга нисбатан ошган, адипонектин эса пасайган; семизлик гуруҳида эса ушбу ўзгаришлар янада яққоллашган (**p**<0,001). Бу натижалар ҳали семизлик мезонларига етмаган ортиқча тана вазнининг ўзи ҳам метаболик дисфункция шаклланиши ва буйрак шикастланиши хавфига таъсир этувчи мустақил оралиқ ҳолат эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот давомида тана вазнининг ортиши буйракнинг нафақат фильтрацион, балки тубулоинтерстициал аппаратига ҳам таъсирини комплекс баҳолаш мақсадида бир қатор анъанавий ва замонавий биомаркерларнинг қиёсий таҳлили ўтказилди (4-жадвал).

Жадвал маълумотларини тизимли таҳлил қилиш жараёнида тана вазнининг ортиши буйрак паренхимасининг функционал ва структуравий ҳолатига кескин салбий таъсир кўрсатиши аниқланди.

4-жадвал.

Тадқиқот гуруҳларида буйрак функциясини баҳоловчи маркерларининг қиёсий таҳлили (M±m)

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=30)	1-гуруҳ (n=40)	2-гуруҳ (n=64)	3-гуруҳ (n=36)
Креатинин, мкмоль/л	72,3±8,1	81,4±9,2*	89,6±10,5*#	98,7±11,8*#^
КФТ CKD-EPI, креатинин, мл/мин/1,73 м²	99,8±10,7	89,2±12,5*	81,5±11,9*#	72,4±10,6*#^
Зардобда цистатин С, мг/л	0,71±0,09	0,82±0,11*	1,05±0,14*#	1,29±0,19*#^
КФТ CKD-EPI, цистатин С, мл/мин/1,73 м²	102,6±9,8	86,8±11,4*	68,7±9,6*#	53,7±8,1*#^
Сийдикда альбумин/креатинин нисбати, мг/г	7,4±2,8	18,5±6,3*	45,8±15,1*#	98,2±28,4*#^
Сийдикда KIM-1, нг/мл	0,24±0,07	0,45±0,12*	0,98±0,25*#	1,86±0,41*#^

*Изоҳ: * — назорат гуруҳига нисбатан, # — 1-гуруҳга нисбатан, ^ — 3-гуруҳга нисбатан фарқнинг статистик аҳамиятлилиги; барча ҳолатларда p<0,01.*

Анъанавий маркер ҳисобланган зардобдаги креатинин миқдори гуруҳлар бўйича ишончли равишда ортиб борган (1-гуруҳдаги 81,4 мкмоль/л дан 2-гуруҳда 98,7 мкмоль/л гача, p<0,001). Бироқ, креатинин миқдори беморнинг мушак массасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлганлиги сабабли, семизлик билан оғриган беморларда у буйрак фильтрацияси пасайишини кечикиб кўрсатиши мумкин.

Тана вазнининг ортиши, ёғ тўқимаси дисфункцияси ва буйрак шикастланишининг патогенетик механизмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни миқдорий жиҳатдан баҳолаш мақсадида тизимли корреляцион таҳлил ўтказилди. Таҳлилда антропометрик параметрлар (ТВИ, бел айланаси), висцерал семизлик индекси (VAI), адипонектин ҳамда буйрак функцияси ва шикастланиши маркерлари (ҳКФТ, Цистатин С, АКН, KIM-1) ўртасидаги оддий чизиқли корреляция коэффициентлари (r) аниқланди (5-жадвал).

Ўтказилган корреляцион таҳлил натижалари ўрганилган кўрсаткичлар ўртасида статистик жиҳатдан юқори ишончлиликка эга бўлган ($p < 0,001$) боғлиқликлар мавжудлигини кўрсатди.

Тана вазни индекси (ТВИ) буйрак шикастланишининг барча маркерлари билан ишончли корреляцион алоқага эга эканлиги аниқланди. ТВИ ва цистатин С асосида ҳисобланган ҲКФТ ўртасида ўртача кучдаги тескари боғлиқлик кузатилди ($r = -0,54$; $p < 0,001$). Бу тана вазни ортиб бориши билан буйракнинг фильтрацион

қобилияти пасайиб боришини тасдиқлайди. Шунга мувофиқ, ТВИ ва зардоб цистатин С миқдори ўртасида тўғри боғлиқлик қайд этилди (r = 0,58; p < 0,001).

5-жадвал

Антропометрик, адипоцитар ва нефрологик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар (r)

